

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14567406>

УЎТ:632:632.914

<https://orcid.org/0009-0002-0479-0727>

МАНЗАРАЛИ ВА БУТА ЎСИМЛИКЛАРИ АГРОБИОЦЕНОЗИДА УЧРАЙДИГАН ФОЙДАЛИ ЭНТОМОФАУНА ВАКИЛЛАРИНИНГ ТУР ТАРКИБИ ВА УЧРАШ ДАРАЖАСИ

^{1а}Нуржобов Аббос Уткирович., ^{1б} Ниёзкулов Бекмурод Хонали ўғли.,
²Абдуллаев Олимжон Алижонович

¹Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, таянч докторанти

²Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станцияси к.и.х.

Аннотация. Ушбу мақолада манзарали ўсимликлар, фотиния, лаврбаргли калина, ҳамда магнолия ўсимликлари агробиоценозида учрайдиган фойдали энтомофауна вакиллари нинг тур таркиби ва учраш даражаси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Манзарали ўсимликлар, фотиния, лаврбаргли калина, ҳамда магнолия, энтомофаглар, тур таркиби, учраш даражаси.

КИРИШ. Шаҳар ва туманлар атрофида микроиклим ҳосил қилувчи ноёб турдаги манзарали дарахт-бута ўсимликларининг кўчатларини микроклонол ва яшил қаламчалаш орқали кўпайтиришни жадаллаштириш ҳамда ушбу ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, ушбу йўналишда ҳуқуқий асос яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-46-сонли ҳамда 2021 йил 15 июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6262-сон фармонлари эълон қилинган.

Манзарали ва бута ўсимликлари агробиоценозида учрайдиган зараркундаларнинг табиатдаги миқдорини камайтириб турадиган фойдали энтомофауна вакилларининг тур таркиби ва учраш даражасини аниқлаш мақсадида маршрутли кузатув ишлари олиб борилди.

ТАДҚИҚОТ ЖОЙИ, ОБЪЕКТИ ВА УСУЛЛАРИ. Тадқиқотлар “Яшил ҳудудларни ташкил этиш мақсадида манзарали ва бута ўсимликлари кўчатларини интенсив етиштириш ҳамда уларни касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилди.

Манзарали ўсимликлар биоценозида учрайдиган табиий кушандаларнинг тур таркиби, учраш даражаси ҳамда табиатдаги аҳамиятини ўрганиш мақсадида 2024 йилда академик М.Мирзаев номидаги БУВИТИнинг, Бўстонлик тоғ илмий-тажриба станциясида илмий-изланишлар олиб борилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида манзарали ва бута ўсимликлари агробиоценозида 6 та туркумга мансуб, 13 турдаги фойдали энтомофауна вакилларининг учраши аниқланди (жадвал).

Фотиния (*Photinia fraseri little red*) ўсимлиги биоценозида 7 нуқтали хонқизи – *Coccinella septempunctata* L., 2-нуқтали хилокорус-*Chilocorus bipuciulatus* L., набиус қандаласи-*Nabis ferus* L. ва олтинкўз-*Chrysopa carnea* Steph. кўп миқдорда, 2 нуқтали хонқизи – *Adalia bipunctata* L., 14 нуқтали хонқизи - *Propylaea quatuordecempunctata* L. стеторус кўнғизи - *Stethorus punctillum* Ws., ориус қандаласи-*Orius niger* Wolff., трихограмма-*Trichogramma pintoii* Voegele. ҳамда фитосейулюс-*Phytoseiulus corniger* W. ўртача миқдода, канахўр трипс-*Scolothrips acariphagus* Jakh., Энкарзия-*Enkarsia Formosa* Gan. ва Бракон-*Bracon hebetor* Say. каби энтомофаглар кам миқдорда учраши аниқланди.

Лаврбаргли калина (*Viburnum Lucidum*) ўсимлиги агробиоценозида табиий кушандалардан 7 нуқтали хонқизи – *Coccinella septempunctata* L. ва 2-нуқтали хилокорус-*Chilocorus bipuciulatus* L. кўп миқдорда учраган бўлса, 2 нуқтали хонқизи – *Adalia bipunctata* L., 14 нуқтали хонқизи - *Propylaea quatuordecempunctata* L., стеторус кўнғизи - *Stethorus punctillum* Ws., набиус қандаласи-*Nabis ferus* L. ҳамда олтинкўз-*Chrysopa carnea* Steph. ўртача миқдорда, ориус қандаласи-*Orius niger* Wolff., энкарзия-*Enkarsia Formosa* Gan., трихограмма-*Trichogramma pintoii* Voegele., бракон-*Bracon hebetor* Say. ва фитосейулюс-*Phytoseiulus corniger* W. кам миқдорда учраши кузатилди.

жадвал

**Манзарали ва бута ўсимликлари агробиоценозида учрайдиган фойдали
энтомофауна вакилларининг тур таркиби ва учраш даражаси**

№	Энтомофаг турлари	Photinia fraseri little red	Viburnum Lucidum	Magnolia grandiflora
Қаттиқ қанотлилар-Coleoptera туркуми				
1.	2 нуқтали хонқизи – <i>Adalia bipunctata</i> L.	++	++	+
2.	7 нуқтали хонқизи – <i>Coccinella septempunctata</i> L.	+++	+++	++
3.	14 нуқтали хонқизи - <i>Propylaea quatuordecempunctata</i> L.	++	++	+
4.	2-нуқтали хилокорус- <i>Chilocorus bipuciulatus</i> L.	+++	+++	+
5.	Стеторус қўнғизи - <i>Stethorus punctillum</i> Ws.	++	++	+
Қандалалар ярим қаттиққанотлилар-Hemiptera туркуми				
6.	Ориус қандаласи- <i>Orius niger</i> Wolff.	++	+	+
7.	Набиус қандаласи- <i>Nabis fesus</i> L.	+++	++	+
Пуфакоёқлилар ёки трипслар-Thysanoptera туркуми				
8.	Канахўр трипс- <i>Scolothrips acariphagus</i> Jakh.	+	+	+
Пардақанотлилар-Hymenoptera туркуми				
9.	Энкарзия- <i>Enkarsia Formosa</i> Gan.	+	+	+
10.	Трихограмма- <i>Trichogramma pintoii</i> Voegele.	++	+	+
11.	Бракон- <i>Bracon hebetor</i> Say.	+	+	+
Тўрқанотлилар-Neuroptera туркуми				
12.	Олтинқўз- <i>Chrysopa carnea</i> Steph.	+++	++	+
Каналар-Acariformes туркуми				
13.	Фитосейулюс- <i>Phytoseiulus corniger</i> W.	++	+	+

Изоҳ: - учрамади, + кам сонда учради, ++ ўртача миқдорда учради, +++ кўп сонда учради.

Магнолия (*Magnolia grandiflora*) ўсимлигида 7 нуқтали хонқизи – *Coccinella septempunctata* L. ўртача миқдорда учраган бўлса, 2 нуқтали хонқизи – *Adalia bipunctata* L., 14 нуқтали хонқизи - *Propylaea quatuordecempunctata* L., 2-нуқтали хилокорус-*Chilocorus bipuciulatus* L., стеторус қўнғизи - *Stethorus*

punctillum Ws., ориус қандаласи-*Orius niger* Wolff., набиус қандаласи-*Nabis ferus* L., канахўр трипс-*Scolothrips acariphagus* Jakh., энкарзия-*Enkarsia Formosa* Gan., трихограмма-*Trichogramma pintoii* Voegele., бракон-*Bracon hebetor* Say., олтинкўз-*Chrysopa carnea* Steph. ҳамда фитосейулюс-*Phytseiulus corniger* W. энтомофаг турлари кам микдорда учраганлиги аниқланди.

ХУЛОСА. Манзарали ва бута ўсимликлар агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг табиатдаги микдорини бошқаришда *Adalia bipunctata* L., *Coccinella septempunctata* L., *Propylaea quatuordecempunctata* L., *Chilocorus bipuciulatus* L., *Stethorus punctillum* Ws., *Orius niger* Wolff., *Nabis ferus* L., *Scolothrips acariphagus* Jakh., *Chrysopa carnea* Steph. ҳамда *Phytseiulus corniger* W. каби фойдали энтомофауна вакиллариининг аҳамияти юқори бўлиши илмий-изланишлар давомида кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Кимсанбаев Х.Х., Улмасбаева Р., Халилов Қ. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси - Тошкент: Ўқитувчи, 2002.- 288 б.
2. Кимсанбоев Х.Х., Сулаймонов Б, Рашидов М.И., Болтаев Б.С. Биологическая лабораторияларда энтомофагларни кўпайтиришнинг биологик асослари (ўқув қўлланма).- Тошкент, «Талқин», 2007. – 19 б.
3. Корчагин В.Н. Защита растений от вредителей и болезней в садах и овощи-огородных участках. Москва: Агропромиздат, 1987. – 317 с.
4. Рашидов М.И., Кимсанбоев Х., Сулаймонов Б.А. Требования к биологическим средствам (энтомофагам) борьбы с вредителями сельскохозяйственных культур и метод их контроля Тошкент, “Талқин”, 2007.- 20 б.